ҲУР ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИ ФАЙЗУ БАРАКА ТАРК ЭТМАСИН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 22 март, жума №46-47 (1264)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Наврўз - биз учун асрлар давомида халқимизнинг онгу тафаккурига, руҳиятига, бутун ҳаётига беқиёс таъсир ўтказиб келаётган бетакрор, ўзига хос бир оламдир.

Наврўз - биз учун ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзидир.

БУНЁДКОР ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги эзгулик ва нафосат айёми - юртимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин қалбимдан самимий мубораклаб этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Дунёда нишонланадиган ҳар бир байрамнинг ўзига хос ва ўзига мос фалсафаси, турли халқлар ва мамлакатлар ҳаётида тутадиган ўрни ва аҳамияти борлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Лекин ана шу гўзал ва бетакрор байрамлар орасида Наврўз айёми ўзининг кўрку тароватн, маъно-мазмуни билан алоҳида ажралиб туради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу қутлуғ ва хосиятли кун ҳақида узоқ гапириш, уни кўп-кўп таърифлаш мумкин.

Наврўз - биз учун, аввало, энг қадимий, асл миллий, ғоят ардоқли байрамимиздир.

Наврўз - биз учун баҳор ва уйғониш, яшариш ва янгиланиш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир.

Наврўз - биз учун асрлар давомида халқимизнинг онгу тафаккурига, руҳиятига, бутун ҳаётига беқиёс таъсир ўтказиб келаётган бетакрор, ўзига хос бир оламдир.

Наврўз - биз учун ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзидир.

Мана шундай шукуҳли дамларда ҳар қайси инсон табиатдан баҳра олиб, оламга бағрини кенг очиб, ўз қалбидаги энг эзгу туйғу ва тилакларини, орзу ва умидларини юзага чиқариш, ҳаётга, ота-онаси, дўсту бирадарларига бўлган меҳру муҳаббатини изҳор этишга интилади.

Бугун мен ҳам кўпчилик қаторида сиз азизларимга, барча юртдошларимга ўзимнинг тилак-даъватларимни, қалбимдаги самимий истакларимни билдирмоқчиман.

Аввало, табиат уйғонаётган, юртимизда Наврўз руҳи, Наврўз мўъжизаси намоён бўлаётган шу ёруғ кунларга эсон-омон етказгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз лозим.

Мана шундай дақиқаларда атрофдаги табиатнинг нақадар гўзал ва бетакрор, бу фусункор ҳаётнинг нақадар бебаҳо неъмат, улуғ бахт эканини ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор ҳис этиши табиийдир.

Ўз яқинларимизнинг қадрига етиш, ён-атрофимиздаги одамлар, маҳаллакўй, элу юрт билан баҳамжиҳат, меҳр-оқибатли бўлиб, бир-бирига қалб қўрини бағишлаб яшашнинг, содда қилиб айтганда, ҳаётнинг нақадар ғаниматн эканини яна бир карра англашга даъват этмоқчиман.

Кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни юракда олиб юрмаслик, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар умиди билан, эртанги кунга ишонч билан яшаш - Наврўзи оламнинг ўзи бизларни чорлайдиган бир аломат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Яхшиликка интилиш, бизга ато этилган умрнинг ҳар лаҳзасини эзгулик йўлида сарфлаш, бир-биримиздан меҳр-муҳаббатимизни аямаслик - бу ҳам инсондан катта мардлик, бақрикенглик ва олижанобликни талаб қилади.

Менинг тилагим шуки, ана шундай кайфият билан яшаш, ана шундай юксак фазилатларга эга бўлиш учун барчамиз доимо ҳаракат қилишимиз даркор.

Айниқса, етим-есир, бева-бечоралар, муҳтож бўлиб яшаётган одамларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатиш, савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, деган шиоримизни мана шу кунларда янада кўпроқ амалий ишлар билан исботлашимиз лозим.

Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган янги ҳаёт, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш йўлида кейинги ўн йил давомида қанча-қанча довонлардан ўтдик.

Бошимизга тушган не-не машаққатли синовларни енгиб, ўзимиз учун хулоса ва сабоқлар чиқариб, бизни кўролмайдиганларни доғда қолдириб, дўсту бирадарларимизни қувонтириб, шу кунларга етиб келдик.

Мен мана шу хосиятли айёмда бир ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур англаб олишимизни истардим. Яъни, инсон, оила ва жамият, авлод ва миллат тақдири, бугунги ва эртанги бахту саодати, ёруғ ва буюк келажаги барчамизнинг қўлимизда.

Ва бу олижаноб мақсадларга етиш бизнинг ҳаракатимиз, шижоатимиз, куч-қудратимиз, аҳиллигимиз ва бирдамлигимизга боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Қадрли дўстлар!

Наврўзи оламнинг яна бир шарофати борки, у ҳам бўлса, бу байрамнинг одамларни, бутун жамиятни бирлаштирувчи кучида намоён бўлади.

Ўзингиз бир қаранг, азиз дўстлар, бирадарлар, бугунги мана шу улкан даврада қайси элат, қайси миллат вакили йўқ?

Шу кунларда барча шаҳар ва қишлоқларимизда, беғоён дашту далалар ва қир-адирлар бағрида, бутун юртимизда яшаётган ватандошларимиз - миллати, тили ва динидан қатъи назар, Наврўзни баҳор ва хурсандчилик байрами сифатида нишонлаши бугунги ҳаётимизнинг ёрқин тимсолига айланиб қолганининг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Келинг, дўстлар, бугун ушбу шодиёнамизга ташриф буюриб, унда иштирок этаётган барча чет эллик меҳмонларимизни, хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини бутун халқимиз номидан Наврўз айёми билан яна бир бор самимий табрик этайлик ва уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни билдирайлик.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз юртдошларимнинг байрамона очиқ чеҳрангизга боқиб, узоқ ва яқин ҳудудлардан барчангизга йўлланган самимий тилак ва қизғин саломларни, жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимизга нисбатан билдираётган, тобора ортиб бораётган ҳурмат-эҳтироми, эътироф ва ишончини етказмоқчиман.

Ва сиз, қадрли ватандошларимга, сиз орқали бутун халқимизга яна бир бор таъзим қилмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Мана шу мусаффо Наврўз тонгида, Алишер Навоий бобомизнинг муборак номи билан аталган мана шу гўзал боғда туриб, айтмоқчиман:

Аввало, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин.

Йилимиз қутлуғ келиб, дарёларимиз сувга, омборларимиз ҳосилга тўлсин.

Оиласи, эл-юртининг ризқини ўйлаб, белни маҳкам боғлаб, қадрдон даласига йўл олаётган заҳматкаш деҳқонларимизнинг омадини берсин.

Ҳар бир хонадон, ҳар бир шаҳар ва қишлоғимиз, бутун Ўзбекистонимизни файзу барака тарк этмасин.

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан

репортаж

Диёримизда фасли баҳор. Табиатнинг, борлиқнинг уйғониш палласи. Офтоб нуридан баҳра олаётган она заминимиз ямяшил майсалар, ранг-баранг гулу чечаклар билан безанган. Дов-дарахтлар ҳам гулга бурканган. Бободеҳқон яхши ният билан ерга уруғ экяпти. Ўлкамизда улуғ айём, қутбарака элчиси - Наврўз шукуҳи кезаётир. Барчанинг чеҳрасида яшариш, янгиланиш, бунёдкорлик кайфияти зоҳир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона либосда.

Мамлакатимизда Наврўз шодиёналари ҳар гал пойтахтимизнинг ана шу сўлим масканидан бошланади. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий меҳмонлар ташриф буюрган.

Мажмуа ўртасида барпо этилган улкан саҳна ва унинг атрофида ҳофизлар, раққосалар, дорбозлар, чавандозлар, полвонлар, цирк артистлари, ҳунарманду усталар, чеварлар, қўйингки, барча

қадимий ва замонавий касб эгалари ўз маҳоратини намойиш этишга чоғланган.

Соат 10. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини барча ўрнидан туриб, давомли қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари юртимиз фуқароларини умрбоқий байрам - Наврўзи олам билан самимий қутлар экан, унинг тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, қадимий қадриятлари, миллий урф-одатлари, анъана ва удумлари тобора шаклланиб, ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Диёримизда бу айём қадим-қадимдан ҳамиша меҳр-оқибат, мурувват, саховат ва бунёдкорлик байрами сифатида нишонлаб келинган.

Президентимиз кўп миллатли мамлакатимиз фуқароларининг бирдамлиги, дўстлиги, иноқлиги ифодасига айланиб қолган Наврўз тантаналарининг фазилатларига алоҳида тўхталди.

Майдон узра табиатнинг уйғониши - Наврўзи оламни мадҳ этувчи майин наво таралади. Мусиқий оҳангларга жисми жонимизни орзиқтириб фасли баҳор ғамзалари, қушлар чуғур-чуғури, сувлар жилдираши уйғунлашиб кетади. Майин куй оғушида кўз ўнгимизда табиатимизнинг бетакрор фасллари - ёз, куз, қиш, баҳор манзаралари намоён бўлади, турфа гуллар юз очади, булбуллар хониш қилади.

Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Карнай-сурнай садолари остида саҳнага ширинданшакар болакайлар қуршовида нуроний Бобо ва Момо кириб келади. Эзгуликка талпинаётган кичкинтойларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари, жозибали рақслари кишини беихтиёр ўзига ром этади. Айниқса, уларнинг қариялар билан қурган ўгитларга бой суҳбати барчага бирдек завқ шавқ улашади. Бу бежиз эмас, албатта. Халқимизда кексалар ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг дуосини олиш эзгу фазилатлардан биридир. Юртбошимиз ташаббусига биноан 2002 йил мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилингани замирида, шубҳасиз, ана шу ўзбекона донолик мужассам.

Шу боис бу тантаналар табиатнинг ранг-баранглиги, баҳор нашидаси, янги кун ва янги йилни олқишлаётган юртнинг нашъу намолари халқимизнинг юксак руҳияти, бунёдкорлик кайфиятини яққол намоён этади.

Бундай байрамлар учун шунга яраша сабаб, ютуқлар ҳам бўлиши керак. Бизда эса бундай тантаналарга яраша улкан ютуқлар талайгина. Истиқлол йилларида эришган муваффақиятларимизнинг барчасини санаб ўтиш учун анча вақт керак. Шу боис фақат ўтган йилги Наврўздан бу йилги байрамгача бўлган даврда амалга оширилган ишларнинг, эришилган ютуқларнинг баъзиларини эслаб ўтишнинг ўзигина мамлакатимизда улкан тантаналар учун етарли сабаблар борлигини яққол кўрсатиб беради.

Хусусан, ўтган йили халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси - «Авесто» китобининг 2700 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Қашқадарёда умумий қиймати қарийб 1 миллиард АҚШ долларига тенг, саноатимиз қудратини оширишга улкан ҳисса қўшадиган Шўртан газкимё мажмуи фойдаланишга топширилди. Асакадаги автомобил заводи конвейерларидан эса «Матиз» русумли янги машина чиқа бошлади. Бир неча йирик тўқимачилик корхоналари ишга туширилди.

Фахрлансак арзийдиган бундай қувончли мисоллар саноғини яна давом эттириш мумкин. Мана шундай муваффақиятларга эришган ва эришаётган халқ улкан байрамлар, тантаналар ўтказишга минг карра ҳақлидир.

Бу йил мамлакатимизда қадимдан яшил диёр номи билан маълум ва машҳур Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги кенг нишонланади. Саҳнада ҳамиша навқирон ушбу шаҳарнинг тарихий қиёфаси Оқсарой сиймосида намоён бўлади. Қашқадарёлик санъаткорларнинг миллий урф-одатларга, расм-русумларга бой бетакрор чиқишлари вилоятлар бадиий жамоаларининг концерт дастурларини бошлаб беради. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан келган бадиий жамоалар, ҳаваскорлар бирин-кетин ўз санъатларини намойиш этадилар.

Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови, лаган ўйини, дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар санъати ва спорт мусобақалари уйғунлашган улкан театр томошаларида эса миллий қадриятларимиз, қадимий удумларимиз Наврўз билан ниҳоятда чамбарчас эканлиги тараннум этилади.

Кўклам наволари мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат-

(Давоми 2-бетда)

БУНЁДКОР ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

(Боши 1-бетда)

лар миллий маданият марказларининг байрам дастурларида янада теранроқ мазмун-моҳият касб этади. Зеро, Наврўз дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳам ўзига хос шодиёнасидир.

Замонавий миллий эстрадамиз юлдузларининг чиқишлари ҳам аждодларимиз меросига садоқат, кексаларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳи билан байрам шодиёналарига ўзгача файз киритди. Мазкур чиқишларда эстрада жанрида ижод қилаётган санъаткорларнинг ижро маҳорати ва сўзга масъулияти сезиларли ортганлиги кўзга ташланади. Буни Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили эстрада санъатини ривожлантиришга қаратилган қарори самараси сифатида баҳолаш мумкин.

Шу ўринда санъатимиз тараққиётига беқиёс ҳисса қўшувчи яна бир омилни эслаб ўтиш ўринли. Наврўз арафасида Тошкентда консерваториянинг янги биноси қурилиши ниҳоясига етди. Президентимизнинг ташаббуси ва эътибори самараси бўлган бу санъат кошонаси мамлакатимизда миллий ва жаҳон мумтоз мусиқаси ривожи учун, иқтидорли ёшлар санъатининг бу нафис турини чуқур ўзлаштириши учун барча шароит яратилаётганига яна бир далолатдир.

Наврўз байрамида халқ ҳунармандлари кўргазмасини ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бу гал ҳам миллий боғнинг каттагина қисми ҳунармандлик маҳсулоти ранг-баранг намуналари билан зийнатланган. Улар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг нафис диди, сержило касб-кори, бой маданий-маънавий мероси ва юксак санъати ифодаси.

Байрам томошаларидан кейин Президент Ислом Каримов ана шу кўргазмани кўздан кечирди.

- Наврўз бошқа байрамлардан тубдан ажралиб туради,- деди давлатимиз раҳбари шу ерда журналистларга берган интервюсида. - У жуда қадимий ва ҳақиқий миллий байрамимиздир. Халқимиз бундан минг йиллар муқаддам ҳам Наврўзни нишонлагани тўғрисида «Авесто» китобида маълумотлар берилган. Мен Наврўзни умид, ишонч ва хурсандчилик тимсоли, деб биламан.

Шу дамда Навоий ҳазратларининг «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз» деган сўзлари ёдимга тушади,- деди Ислом Каримов. - Ҳақиқатан ҳам, бугунги байрам кунларида кишиларнинг, айниқса, болаларнинг юзидаги кўтаринки руҳ ва кайфиятни кўриб, барча фуқароларимизнинг ҳар бир куни шундай шодиёналарга бой бўлишини Яратгандан яна бир бор сўрайман. Бизнинг бугунги кунимиз кечагисидан ёруғроқ эканлигини ҳамма кўриб турибди. Мен ишонаманки, эртанги кунимиз бугунгисидан кўра минг чандон нурафшон ва фаровон бўлади. Шундай байрамларни юқори руҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтказадиган халқ ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари 2002 йил мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ўзгаришлар йили бўлишини, бунинг учун етарли асослар борлигини алоҳида таъкидлади.

Пойтахтимизда бошланган байрам тантаналари нафақат юртимиз шаҳар ва қишлоқларида, балки хорижий мамлакатларда ҳам давом этади. Бундай дейишимизга сабаб бор, албатта. Истиқлолга эришганимиздан буён дунёнинг ўнлаб давлатларида Ўзбекистоннинг элчихоналари, ваколатхоналари фаолият кўрсатиб келяпти. Табиийки, ўша жойларда ҳам Наврўз тантана қилинади. Байрамга ташриф буюрган юзлаб, минглаб хорижлик меҳмонлар Наврўз таомларидан баҳраманд бўлади, халқимизга хос миллий урф-одатлар билан танишади. Бу каби тадбирлар юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори, нуфузи ортишига муҳим омил бўлади. Қолаверса, Тошкентдаги Наврўз байрами кўплаб хорижий мамлакатлар телеканалларида олиб кўрсатилди. Шу баҳонада олам аҳли бунёдкор халққа мана шундай улкан тантаналар яратишига яна бир бор гувоҳ бўлди.

Наврўз шодиёналари, айтиш мумкинки, халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан ютуқлари, юрт тинчлиги, мамлакат тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларининг ўзига хос бадиий-мусиқий намойиши бўлди.

Миллий боғдаги байрам тантаналари мушакбозликка уланиб кетди.

Анвар КАРИМОВ,
Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбирлари.

Касаба уюшма тадбири

Наврўз... Етказганига шукр. Уни барчамиз ширин энтикиш билан соғингандик. Ана шундай шукуҳли, фарахбахш кунларда бухоролик зиёлиларнинг — кексалик гаштини сураётган азиз мураббийларнинг дийдорлашуви нур устига аъло нур бўлди. «Бухоро» меҳмонхонасининг улкан зали бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қуришга таклиф этилган фахрийлар билан тўлди.

ДИЙДОРЛАШУВГА НИМА ЕТСИН

Яшариш ва яшнатиш фасли саналган Наврўзи олам арафасида вилоят таълим ва фан ходимлари қўмитасининг ташаббуси билан ажойиб тадбир ўтказилди.

Дастлаб вилоятнинг турли бурчакларидан етиб келган фахрийлар билан вилоят қўмитасида ошкора суҳбат бўлиб ўтди. Шундан сўнг улар махсус автоуловларда шаҳардаги зиёратгоҳлар томон йўл олишди. Умумхалқ ҳашари эвазига қайта сайқал топган Чорбакр, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари барчанинг эътиборини ўзига тортди.

Тушдан кейин зиёратчилар «Бухоро» меҳмонхонасида тўпланишди. Биз ҳам тадбир иштирокчиларининг дил сўзларига шерик бўлдик.

Даврон Қурбонов — кекса зиёли:

— Ёшларни касб-ҳунарга йўллаш, уларнинг ўз йўлларини топиб кетишига баҳоли қудрат ҳисса қўшдим. Бугунги тадбир баҳонасида бир-биримиздан кўнгил сўраш имкони яратилганидан бошим кўкка етди. Ниятим — шу азиз юрт, шу жонажон Ватан корига доимо ярасам дейман.

Қўмита раиси Бахшулло Умаровнинг таъкидлашича, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган қарияларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларга чинакамига ғамхўрлик кўрсатиш учун барча имкониятлар сафарбар этилган. Давлат дастуридан келиб чиқиб, вилоят қўмитаси кам таъминланган фахрийлар ва ишчи-ходимларга йил охирига қадар камида 1,5 миллион сўмлик манзилли ёрдам кўрсатади.

Халқ таълими соҳасида узоқ йиллар самарали ишлаб, нафақага чиққанларга эътибор ҳар қачонгига нисбатан кучайтирилади. Ёшлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар ҳатто кекса авлод вакиллари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилади.

50 нафарга яқин фахрийни санаторий-профилакторийларда дам олдириш ҳам мўлжалланмоқда. 40 йиллик умрини фан ва таълим равнақига бағишлаган Раҳмат Файзуллаев, Геннадий Тараненко, Маҳмуд Азимов, Олот туманидаги 19-мактаб директори Ҳамро ака Қодировларнинг чиқишлари олқиш билан кутиб олинди. Йиғин якунида иштирокчиларга совға-саломлар улашилди.

Етакчи санъаткорлар томонидан маҳорат билан ижро этилган куй-қўшиқлар дийдорлашув даврасига сурур бағишлади.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Наврўз умумхалқ байрами арафасида Андижон вилоятининг Марҳамат туманида 14 километрли газ тармоғи ва автоматик газ тақсимлаш станцияси фойдаланишга топширилди. Фарғона магистрал газ тармоқлари бошқармасига қарашли бўлган бу иншоотлар қишлоқ аҳоли пунктларининг газ билан таъминланишини яхшилаш имконини беради.

(ЎзА).

ЮРТИМИЗДА ШОДИЁНА

Наманган вилоятининг ранг-баранг гулларга бурканган боғларида Наврўз кезмоқда.

Наманганнинг қоқ марказига жойлашган 20 гектарли «Бобур» номли маданият ва истироҳат боғида 110 та қозонда сумалак қайнаяпти. Паловлар дамланган. Шаҳарнинг кўплаб корхона ва ташкилотларидан келган байрам қатнашчилари юзида кулгу. Давраларда халқ ўйинлари, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг қўшиқлари янграйди. Баҳор неъматлари дастурхонларга тортилган. «Наманганқурилиш», «Намангантелеком» акциядорлик жамияти, «Намангансавдо» акциядорлик компанияси, «Намангантехнолог», «Наманганагромаш», «Наманганавтойўлтранс» ва «Атлас» ҳиссадорлик жамиятлари ўз ишчилари фарзандларига хатна тўйлари ўтказяпти.

Боғ директори Одилжон Каримовнинг айтишича, бу йил Наврўз байрами ўтказишга ўзига хос тайёргарлик кўрилди. Тадбирлар сони кўпайди. Боғда «Хотира хиёбони» барпо этилди. Икки мингдан ортиқ манзарали дарахт ва минглаб гул кўчатлари ўтказилди.

Ўн мингдан зиёд атиргулларга бурканган Наманганнинг маданият ва истироҳат боғида бугун тонггача сумалак қайнайди.

«Туркистон-пресс».

ИНСОНПАРВАРЛИК МИССИЯСИ

АҚШ инсонпарварлик миссияси вакиллари соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти билан танишиш, уларни тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминлашга ёрдам бериш мақсадида Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари П.Луқмонов билан суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Андижон вилоятида қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилаётгани ўзаро алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради.

Инсон ҳаёти оқар дарёга ўхшайди. Унинг ортида қилган яхши ишлари, қурган иморатлари қолади. Бундан бир неча йил муқаддам У.Юсупов туманидаги колок «Жейнов» ширкат хўжалигини қабул қилган Муродулла Саидов биринчилар каторида хутор типидаги уй-жойларни қайта қуриш, мактаб, болалар боғчаси, шифохона, тиббий шоҳобчалар, маданият саройи, аҳолига савдо, коммунал, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини бунёд этишга киришди. Айни пайтда Мағрибу-Машриққа савдо карвонлари қатнаган Буюк ипак йўли қўналғасида кўркам ва обод қўрғонча қад ростлади.

ҲАР БИР ЧОРВАДОРГА 210 МИНГ СЎМДАН МУКОФОТ

Ислоҳот инсон учун

Юртбошимизнинг ишлаб чиқаришга чет эл сармояларини олиб кириш тўғрисидаги даъватларидан руҳланган ташкилотчи раҳбар бундан икки йил муқаддам хайрли ишга қўл урди. Осиё тикланиш ва тараққиёт банкидан 290 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиниб, Исроил технологияси асосида сутни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилди. Бир кеча-кундузда 2 тонна сутдан пишлоқ, бринза, қаймоқ, творог, кефир каби 12 хил маҳсулот ишлаб чиқараётган кичик жамоанинг ноз-неъматлари Қарши, Шаҳрисабз ҳатто Тошкент шаҳри савдо дўконларидан ўрин олди.

Энг муҳими, хўжаликнинг чорвачилик фермасида соғиб олинаётган сут лаборатория тахлилидан ўтказилиб, 60 километрли масофадаги Қарши шаҳрига эмас, тўғридан-тўғри қайта ишлаш корхонасига жўнатилаяпти.

— «Жейнов» тамғаси билан тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати янада яхшиланиб, тури кўпаяди, — дейди кичик корхона бошлиғи Холиқберди Аллабердиев. — Жамоамизда 17 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, ҳадемай уларнинг сони яна шунчага ортади.

Кичик корхонани маҳсулот билан таъминлаш учун чорвачиликни ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилган. Бунда асосий эътибор фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий манфаатдорликни оширишга қаратилган.

— Ҳар бир чорвадор йил давомида ойлик маҳсулот бўлишини, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминламоқда.

Бултур 400 тонна сут, 6,1 тонна гўшт тайёрланиб, чорвачиликдан 16 миллион сўм соф фойда олинди. Рентабеллик даражаси 52 фоизга тўғри келди.

Эришилган ютуқларда молбоқарлардан Рўзимурод Азизов, Ширинбой Эргашев, сут соғувчилар Жамила Қурбонова, Сулгун Ғойибова, Гулсара Қаршиева, ветеринария ходими Шомурод Тўхтаевларнинг хизмати салмоқли бўлди.

5,5 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, ҳудуди бир гектарли бозор қурилди. Жамоа аъзолари қарийб 30 минг аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Хўжалик раҳбарининг ташаббуси билан бўрдоқига боқилган моллар семиртирилиб, арзон нархда сотилади. Шунинг учун ҳам бозорда нархнаво қиммат эмас. Бир килограмм мол гўшти 1300-1400, қўй гўшти 1500, мош 350, сабзи, шолғомнинг 5 килограмми 100 сўм, картошка 250-280, пиёз 35 сўм. Кўкатларнинг ўн боғлами 100 сўм. Хўжалик раҳбари ҳар куни бир марта бозор айланиб, нарх-навони суриштиради, сотувчи ва харидорлар билан суҳбатлашади.

—Келгусида дунёга машҳур «Жейнов» гиламлари тайёрлайдиган корхона очиш ниятимиз бор, — дейди «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими», вилоят кенгаши депутати М.Саидов. — Қишлоқ аҳолисига қулайлик яратиш, уларнинг тўқ ва фаровон турмуш кечиришларини таъминлаш асосий вазифамиздир.

Қишлоқда ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Маҳсулот шу ернинг ўзида етиштирилиб, қайта ишланаяпти ва бозорга чиқарилмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ВАТАН ИШҚИ

Қуролли Кучларнинг Марказий музейида Ўзбекистон рассомларининг баҳор байрами Наврўзга бағишланган кўргазмаси очилди. Наврўз қадимдан халқимиз учун Янги йилнинг келиши рамзи бўлган. Айнан шу боис одамлар бу байрамни - кун ва тун тенг келадиган кунни ўзгача кутиб олади.

Кўргазмада мамлакатимиз мўйқалам усталарининг турли йўналишдаги 30 дан ортиқ ишлари намойиш этилмоқда. Уларнинг бош мавзуси она Ватанга - қадимий ва ҳамиша навқирон Ўзбекистонга муҳаббатдир.

Кўргазма муаллифлари орасида Ғайрат Бойматов, Ваҳоб Зиёев, Муборак Йўлдошев, Валерий Енин, Виктория Трошина, Ольга Ражапова ва бошқа мўйқалам усталари бор.

***

Наврўз умумхалқ байрами арафасида музейда очилган бу ажойиб кўргазма тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларига ҳақиқий баҳор, гўзаллик ва маҳорат байрамини туҳфа этади.

Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг Қорақалпоғистон бўлими марказий кўргазмалар саройида Наврўз байрамига бағишланган кўргазма очилди.

Унда қорақалпоғистонлик мусаввирларнинг она табиат, Оролбўйи одамлари, уларнинг турмуш тарзи, бугунги бунёдкорлик ишларини акс эттирувчи 80 дан зиёд асари намойиш этилди. Кўргазмада таниқли мусаввирлар, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Жуллибой Изантоев, Омонгелди Ўтегенов, Барлиқбой Айтмуратов, ёш рассомлар Мирзабой Қозоқбоев ва Валерий Жабборов асарлари кўпчиликка манзур бўлди.

Кўргазмага келганлар Қорақалпоғистон Республикаси рассомлик ва амалий санъат лицей-интернатининг иқтидорли ўқувчилари асарларини ҳам томоша қилишди. Мазкур ўқув даргоҳининг 9-синфида таҳсил олаётган Анифа Ортиқова яқинда Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Кўргазмада унинг асарларига ҳам кенг ўрин берилди.

(ЎзА)

УМРИНГИЗ ШОДЛИККА ТЎЛСИН

Ҳар киши Наврўзни байрам қилиб, шоду хуррамлик этса, келаси йил — Наврўз келгунга қадар унинг умри хурсандчилик ва шодлик билан ўтиши муқаррардир.

Умар ҲАЙЁМ.

Чечаклар шивирлаб барг ёзади, дарахт новдаларида умидлар дарёланади, ариқ бўйларида ялпиз бўй кўрсатади, бинафшалар ғунчалайди. Ҳар новдада, ҳар гиёҳда, ҳар куртакда уйғонади, Баҳор. Самони тўлдириб қушлар парвоз этади. Қалдирғочлар вижирлаб мангулик қўшиғини бошлайди. Арғимчоқ ташлаб, қанотида омонлик олиб юртга турналар қайтади. Беихтиёр кўнгил яйрайди, табиатдан нажот истайди инсон, кўклам шуурини излайди инсон.

Кўнгиллар Наврўзга ошиқади. Наврўз эса оламни яшнатиб, яшартириб дилларга сурур, юракларга маъсум туйғулар бахш этиб, руҳни эркалатиб кириб келаверади.

... Метронинг «Буюк ипак йўли» бекатидан чиқаверишдаги йўлакда сулув келинчак қўлимга бир даста бойчечак тутқазди.

— Опажон, бойчечак олинг, уйингизга омонлик, юртимизга тинчлик олиб келсин, - дейди. Унинг кўзлари қувончдан порлайди, юзлари ҳаёдан оловланади.

Қўлимда бойчечак, қалбимда баҳор соғинчи билан Юнусободга қайтаман.

Тонгда эшигимиз охиста чертилади. Очсам, остонада қўшнимиз Гулнорахон. Қўлида бир пиёла сумалак ушлаб турибди.

Гўё остонамизда Наврўз турганидек, суюниб кетаман...

— Шу ёруғ кунларга кўз тегмасин, - дейди 80 ёшли Норбегим биби Саксонова. — Хотиржамликнинг ўзи катта бахт. Бу азиз кунларнинг ҳар они ғаниматдир. Чунки, эзгу ишлар фақат осойишта замонда бўлади. Кечагина эди, азиз байрамимиз Наврўзга қарши чиқишгани, сумалак пишираётган қозонларни ағдариб, увол қилишгани. Эскилик сарқити сифатида бешикларимизга ўт қўйишганини ҳам ҳали-ҳануз унутганимиз йўқ. Ёмонлик, разолатнинг умри қисқа. Яхшилик эса дунёни асрайди. Дунё тургунча туради. Наврўзни таъқиқлаганлар қани?! Бари ном-нишонсиз кетди. Наврўз эса ҳар йили одамларга қувонч улашиб келаверади.

Ҳа, Наврўз ҳаёт байрами, эзгулик айёми. Миллий урф-одатлар, қадриятларимизнинг энг олий тимсолидир. Наврўз тарихи ватанимиз тарихи билан чамбарчас боғланган. Бундан минг-минг йиллар олдин ҳам аждодларимиз бу улуғ айёмни икки дарё оралиғидаги беполён Мовараннаҳр заминида катта шодиёна сифатида байрам қилганлар.

Қадимдан Наврўз тараддуди февралдан бошланиб, бир ой давом этган экан. Берунийнинг қайд этишича, «Кейинги подшоҳлар бу ой яъни, фарвардин моҳнинг барчаси (кунлари)ни ҳайитга айлантириб, уларни олтига тақсим этдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун, иккинчиси улуғ кишилар учун, учинчиси подшоҳларнинг ғуломлари учун, тўртинчиси хизматкорлари учун, бешинчиси халқ оммаси учун, олтинчиси чўпонлар учун». Подшоҳлар ўзларига ажратилган беш кунда мамлакат учун ўта муҳим бўлган масалаларни оқил ва доно-лар кенгаши ила ҳал қилганлар. Халқнинг барча табақасининг арзлари тингланган.

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида эса Наврўз ташрифи Шоҳ Жамшид билан боғланади. Шеърият мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий «Тарихи мулки ажам» асарида ҳам Жамшиднинг эзгу ишлари сўнггида Наврўз бошланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади: «Жамшид «Чиҳил минор» номли одамзод кўрмаган ва ақл бовар қилмайдиган баланд бино қуриб... «Бу иморат туганди, олам саломин ва ашров ва аҳбарин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтким, қуёш нуқта эътиқодли робийга таҳвил қилиб эрди. Ул бинода тахт устида ўлтириб, адолат сайт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврўз қўйди».

Беруний Жамшиднинг ўзи ясаган аравада осмону фалакни сайр этишини тасвирлаб, бу ажойиб кундан Наврўз бошланганлигини қайд этади. Ҳанузгача Наврўз кунларида одамларнинг арғимчоқ учишлари Жамшиднинг аравада учишига тақлиддир.

Ҳа, Наврўз ҳаёт абадийлиги, табиат қудрати ва салоҳияти билан бирга гўзал урф-одатларимиз тантанаси, энг кўҳна, энг чиройли миллий халқ байрамимиздир. Уни ҳеч ким халқ қалбидан ўчира олмайди.

Наврўз янгиланиш, покланиш байрами бўлиши билан бирга қут-барака айёми ҳамдир. Шу куни табиат, бутун борлиқ уйғонади. Янги ҳаёт палласи бошланади. Шунинг учун ҳам у халқона сайл тарзида табиат қўйнида ўтади. Одамлар қалби ҳам янги кун завқи, қувончи билан тўлиб-тошади. Бундай дамларда уйда ўтириб бўлмайди. Деҳқон даласига ошиққани каби бошқалар ҳам яратувчилик ишига шошилишади.

Одамлар кўнглига баҳорий уйғониш оқиб киради. Насибалари бутун бўлиши учун табиат билан яқинлашадилар. Кўчатлар ўтқазилиб, боғ-роғлар яратилади. Дов-дарахатларга ишлов берилиб, ариқзовурлар тозаланади. Қабристонлар ободонлаштирилади. Муқаддас қадамжоларга зиёрат қилинади. Қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олинади. Муҳтожларга хайр-эҳсонлар ҳадя этилади. Бир сўз билан айтганда, одамлар бир-бирларига меҳр улашади, гина-кудратлар унутилади. Ҳаётимиз, турмушимиз тотли бўлсин дея, ширинликлар улашилади. Ҳар бир хонадонда сумалак, халим, кўк сомса каби лаззатли баҳорий таомлар пиширилиб, пазандалик маҳорати намойиш этилади.

Наврўз тадбирлари бир-бирига уланиб, одамларни бирлаштиради. Уларга меҳр улашади. Мурувват ва саховатдан эса юрт обод, мамлакат қудратли бўлиб бораверади.

Амина ҚОДИРОВА.

Туҳфа

Тошкент шаҳридан 30 километр нарида «Зах» каналининг бўйида, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда кўмкўк дарахтзорга бурканган «Бўстон» сиҳатгоҳи жойлашган. Республикада ўз муолажалари билан таниқли бўлган ушбу маскан 350 ўринли бўлиб, юрак-қон томир, гинекология, урология ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатяпти.

НУРОНИЙЛАР ДУО ҚИЛИШМОҚДА

Бу ерда даволанувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишларига алоҳида эътибор бериляпти. Чунончи, ёзги ва қишки клуб, катта китоб фондига эга бўлган кутубхона, ёзги бассейн, мусиқий салон, чойхона ишлаб турибди. Тошкент, Чирчиқ, Чорбоғ ва Чимёнга мунтазам саёҳатлар уюштириляпти.

— Даволанувчиларга олий тоифали 4 нафар ҳаким, 5 нафар ҳамшира ва тажрибали тиббиёт ходимлари беминнат хизмат кўрсатишмоқда, — дейди сиҳатгоҳ бош шифокори Ирода Набиева. — Яқинда эса қариялар учун 60 ўринли қўшимча махсус жой ҳозирладик. Барча қулайликларга эга бўлган бу шинам хоналарда нуроний отахону онахонларимиз мириқиб дам олишаяпти. Керакли доридармонлар билан тўлиқ таъминланган. Даволанувчиларнинг талабларига биноан миллий таомлар тайёрланаяпти.

Қўли енгил шифокорлардан Раъно Мирзамуҳамедова, Лариса Цой, ҳамширалардан Ёдгорой Шоназарова, Нафиса Фатхуддиновалар муолажаларидан кўпчилик мамнун.

О. САИДОВ.

ДАСТУРХОНЛАР ЁЗИЛДИ, ДОШҚОЗОНЛАР ОСИЛДИ

репортаж

Жаннатмакон Бўстонлиқ тумани ўзининг мевазор боғлари-ю гўзал табиати билан киши қалбини ром этади. Кунчиқар томондан Чотқол тоғи ястаниб ётибди.

Наврўз келиши билан атроф янада гўзаллашиб, ўзгача чирой бахш этган. Шу пайт кўм-кўк дара ортидан болаларнинг шўх-шодон қўшиқлари эшитилади.

Эрта баҳор келибди,
Ялпизлар ниш урибди.
Дастурхонлар ёзилиб,
Кўксомсага тўлибди.

Гўзал табиатни, Наврўзни мадҳ этиб, кишилар қалбига олам-олам қувонч олиб кираётган туман маданият уйи қошидаги «Гулёр» фольклор этнографик дастаси бадиий раҳбари Лазокат Нуримовани суҳбатга тортдик.

— Ҳозир жамоамизда 32 нафар қўшиқ ва рақс ҳавасманди бор, - дейди у. - Репертуаримиздан хилма-хил қадимий қўшиқлар, лапарлар, алла ҳамда айтишувлар ўрин олган.

Шу куни улар ижросида янграган «Узма гулингни», «Ўлмишам», «Ўйнанг ёр», «Очил-очил» сингари халқ қўшиқларини йиғилганлар мароқ билан тингладилар. Уларга «Хондойлиқ ёр-ёри», «Хўжакент ёр-ёри» «Бўстонлиқ ёр-ёри», «Келин салом» сингари урф-одатларимиз, қадимий, миллий анъаналаримизни ифодаловчи қўшиқлар уланиб кетди. «Гулёр» ансамбли илк бор 1979 йили томошабинлар олдида ўз санъатларини намойиш этишганди. Шундан буён бу аҳил жамоа ижодий изланишда.

— Жамоа республикамиздан ташқарида ҳам яхши таниш, - дея суҳбатни давом эттирди туман маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Нуриддин Муталов. - Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида ўтказилган байрам тантаналарида ҳам қатнашиб, дўстларимизни ҳурсанд қилишди. Мазкур жамоа бизнинг ифтихоримиздир. Унга халқ ансамбли унвони берилгани ҳам бежиз эмас.

Вилоят ҳамда туман касаба уюшмалари тармоқ қўмиталари мазкур ансамблни доимо қўллаб-қувватлаб келишмоқда. Жамоага туман маданият саройидан махсус жой ажратилган. Бугунги Наврўз байрамида ҳам улар моддий жиҳатдан рағбатлантирилдилар.

— Табиатан нозик, талабчан мухлисларимиз ишончини, меҳрини қозониш анча мураккаб иш, - дейди Лазокат ая. - Лекин биз шунга ҳаракат қиляпмиз ва бундан кейин ҳам шу мақсад йўлида бутун куч ғайратимизни сарфлайверамиз.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратда: «Гулёр» халқ фольклор этнографик ансамбли «Наврўз» байрами тантаналарида.

Яқин-яқинларгача Тошкент шаҳридаги сўлим болалар боғлари, ундаги кичкинтойларнинг шодон қийқирикларини эшитиб, қувончдан энтикиб кўярдик. Андижонда ҳам ўғил-қизларимиз учун ана шундай оромгоҳлар бўлишини орзу қилардик.

ИНСОН БОРКИ ФАРЗАНДИМ ДЕЙДИ

Ниҳоят, ниятимизга етдик. Шаҳарнинг Шароф Рашидов номли кўчасида болалар боғи иш бошлади. Бу сўлим масканда жажжиларнинг яйраб дам олишлари, мириқиб ўйнашлари учун барча қулайликлар муҳайё. Тўрт гектар майдонни эгаллаган боғда ўзингизни гўё эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис қиласиз.

...Сочлари жингалак қизалоқ «тимсоҳ»нинг бўйнига ўтириб, ўзини Африка чангалзорларида юргандек ҳис қилади. Кўҳликкина болакай эса пальма дарахти остидаги баҳайбат «фил»га мингашиб гўё Ҳиндистон ўрмонларини кезмоқда.

Шу пайт ёнгинамиздан вагончаларини шарақлатиб болалар тушган қўлбола поезд ўтиб кетади. Айниқса, автодром майдончаси кичкинтойлар билан гавжум. Машина чамбарагини тутган болалар бошқалардан ўзишга ошиқади. Мақсад аён. Болаларни она табиат билан ошно қилиш, набобат, ҳайвонот оламини ардоқлаш, фан-техникага иштиёқ уйғотиш.

Эртаклар — яхшиликка етаклар, дейдилар. Она алласи оғушида оппоқ тонгларни соғиниб эртак тингламаганлар бўлмаса керак. Бешикдан сизу бизга қадрдон Хўжа Насриддин афанди, Зумрад ва Қиммат, Қилич ботир, Микки Маус билан бугун бу даргоҳда бемалол сирдош бўлиш мумкин. Ёмонлик устидан яхшиликнинг тантанаси, киндик қони тўкилган тупроққа таъзиму ардоқ, Ватанга садоқат, эл-юрт хизматига камарбасталик каби муқаддас қадриятлар ана шу образлар орқали қалбимизга инганлигини ким инкор қила олади.

Минаввархон Мирзаева шаҳарнинг «Байналминал» маҳалласида истиқомат қилади. Чархпалакдаги кажаваларда учаётган қизлари Ойсуда, Ўғилойларга ишора қилиб дейди:

— Қизалоқлар кечадан буён боғда сайр қиламиз, деб хархаша қилишади. Мана, эрталабдан буён чархпалакни бўшатишмаяпти. Қулайликларни айтинг: ширинликлар билан савдо қилувчи кафетерий, музқаймоқ сотувчи дўконлар, болалар хизматида.

Илтифотхон Усмонова:

— Фарзандларимиз яйраб-яшнаб хордиқ чиқариш билан бирга, бу ерда касб-ҳунар ҳам эгаллашади. Марказда 10 та касб-ҳунар тўгараги ишлаб турибди. Ўғлим Иброҳимжон ёғочга гул солиш сирларини ўрганяпти, қизим Илтижохон чеварлик тўгарагида бичиш-тикишни ўзлаштириб олди.

Икки томони қирмизи гуллардан иборат асфальт йўлаклар, инжу сочаётган фавворалар, тоғлар ҳавосини уфураётган яшил арчалар файзу тароватидан мурғак кўнгиллар гулгун.

— Спорт-соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган, — дейди биз билан суҳбатда болалар боғи директори Муталлибжон Тўхтасинов, — қўл тўпи майдони, теннис корти, компьютерхона, шахматчилар уйи доим болалар билан гавжум.

Светофор ўйинлари ўтказадиган майдончада болалар йўл ҳаракати қоидалари билан танишадилар. Вилоят бўйича беллашувлар эндиликда болалар боғида ўтказилади. Чўмилиш мавсуми бошланиши билан бассейнлар ишга тушади. Ўсмир ёшларнинг сув спорти мусобақалари шу ерда ўтказилиши режалаштирилган.

Болалар оромгоҳини замонавий аттракцион техникаси ва ускуналари билан жиҳозлашга Испания, Германия ишбилармонлари жалб этилди. Болаларни топқирлик, зукколикка ундовчи ҳамда чиниқтирувчи 28 та аттракционни Гюндомуш, Кунсал бошлиқ немис мутахассислари барпо этдилар. Тошкентнинг болалар ўйингоҳларини қуришга ихтисослашган «Есения» қурилиш-монтаж жамоаси эса ускуналарни ўрнатиб, созлаш ишларини бажаришди.

Ўлкамизда баҳор сепини ёяётган айни дамларда болалар боғи янада фусункор. Анвойи гулларга бурканаётган майдончалар, каруселларда парвоз қилаётган болакайларнинг қувончи чексиз.

Р.СОБИРОВ.

Суратда: «Болалар боғи» манзараларидан лавҳа.



Болалар боғи

«ДУЛДУЛ»ДА ЯНГИ СИҲАТГОҲ

«Дулдул» Навбаҳор туманидаги энг чекка қишлоқлардан бири. Наврўз айёми арафасида бу ерда янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни «Бумеранг» кўп тармоқли фирма жамоаси қуриб битказди.

Даволаш масканини барпо этиш учун Навоий вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси қарийб 40 миллион сўмлик маблағ ажратди. Шифохона барча тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Малакали врач ва ҳамширалар беморларга тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шифохонада 10 ўринли кундузги стационар ва дорихона ҳам ишлай бошлади.

Ёркул УМАР.
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Фидокор халқимизни, барча Марказий қўмиталар ва вилоят Кенгашлари касаба уюшма ходимларини ҳаёт абадийлигининг ифодаси бўлмиш Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Барча юртдошларимизни қадриятларимиз эъзозининг том маънодаги ифодаси бўлмиш НАВРЎЗ билан чин дилдан қутлайди! Сизларга соғлиқ-саломатлик, аъло кайфият, қутлуғ хонадонингизга бахту саодат тилайди. Жондан азиз Ватанимиз — ҳур Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш йўлидаги ишларингиз ҳамиша бароридан келсин!

Саломатлигингизни мустаҳкамлаш, мазмунли дам олишингиз учун замонавий қулайликларга эга бўлган оромбахш шифо масканларимиз йилнинг тўрт фаслида сизларга мунтазир!

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

Меҳнатсевар Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларни, юртимизга ташриф буюрган барча азиз меҳмонларни гўзал баҳор айёми – НАВРЎЗ билан самимий табриклайди!

Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!

«Пахта Банк» Кенгаши ва Бошқаруви

ТАНТАНАЛАР РАҚС-ЛА ГЎЗАЛ

Дил изҳори

Мана, ниҳоят, орзиқиб кутилган онларга ҳам етиб келдик. Ҳар бир вилоят санъаткорлари Наврўз байрамига янги асарлари билан ўзгача руҳ бағишладилар. Дастурлар ўзининг ранг-баранглиги, сермазмунлиги билан ажралиб турди. Сумалак, Лола сайли каби халқ томошаларидан тортиб, бешик тўйлари, келин саломлар ва бошқа қадимий урф-одатларимизни ўзида мужассамлаштирган чиқишлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Қашқадарё вилоятининг «Момогул» рақс, Сурхондарё вилоятининг фольклор-этнографик,- Сирдарёнинг «Дўстлик» рақс дасталари бош балетмейстерлари Зебо Турсунова, Шоира Қурбонова, Ойша Айтмаганбетова каби иқтидор эгалари раҳбарлигидаги бадиий жамоалар ижрочилик маҳоратлари, репертуарларининг хилма хиллиги билан ажралиб турди.

Гуллар шаҳри наманганликларнинг байрам туҳфалари алоҳида таҳсинга лойиқдир. «Бу Наманган-дир», «Орзулар келди», «Ҳалим сўраб» деб номланган, уч қисмдан иборат «Наманган боғида Наврўз сайли» композицияси ноёб урф-одатларимизнинг бадиийлашган кўринишлари асосига қурилган. Бутун томоша майдони бепоён қир-адирлар каби гулларга бурканган, бошларига гулчамбар, сочларига толбаргаклар тақиб олган «жонли гуллар», лирик кечинмалар, ҳазил мутойибалар, шўх-шодон рақслар кишини лол қолдиради. Устозлар айтганидек, ушбу рақсларнинг сирли оҳанрабоси, завқу жилосини сўз билан таърифлаш мушкул. Уларни фақат кўриб идрок қилиш мумкин, холос.

— Мен пойтахтимизда ўтказилган Наврўз байрами тантаналарини тайёрлаш ва намойиш этишда кўп бора қатнашганман,- дейди «Ўзбекрақс» Миллий рақс бирлашмаси бош директори ўринбосари Гулираъно Муҳамеджонова. — Лекин бу йилги дастур бутунлай бўлакча. «Ўзбекрақс» бирлашмасининг вилоятлардаги ансамбллари «Баҳор», «Лазги», «Зарафшон», «Тановор», «Етти гўзал» каби пойтахт рақс жамоалари томонидан тайёрлаб ҳалқимизга туҳфа этилган рақслар гулдастаси барчани хушнуд этди.

Мирқодир ХУДОЙБЕРГАНОВ, санъатшунос.

«Умид ниҳоллари-2002»

БУГУН "ФАРҒОНА" СТАДИОНИДА

Фарғонада мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг якунловчи финал босқичи ўтказилиши нафақат спортчилар, халқ таълими муассасалари, балки бутун вилоят аҳли зиммасига катта масъулият юклади.

Мазкур мусобақаларни ҳақли равишда кичик олимпиадага тенглаштириш мумкин. Зотан, биргина вилоятда мусобақаларнинг мактаб, шаҳар, туман босқичларида 300 мингдан зиёд ўқувчи иштирок этди. Вилоятдаги 545 та футбол, 1294 та волейбол, 746 та баскетбол, 475 та қўл тўпи, 328 та мини футбол майдонлари, 25 та теннис корти, 545 та спорт зали, 28 та сузиш ҳавзаси чинакам рақобат, ўзаро баҳс ва маҳорат майдонига айланди. Дарвоқе, кейинги йилларда вилоят спортида ўзига хос анъаналар таомилга айланаётир. Вилоят спортчилари мамлакат ва халқаро миқёсдаги беллашувларда муваффақият билан иштирок этмоқда. Масалан, ўтган йили Сиднейда ўтказилган олимпиада баҳсларида тўрт нафар фарғоналик спортчи иштирок этди. Боку шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган нуфузли бокс мусобақаларида бешариқлик Азиз Раҳмоновга тенг келадиган «чарм қўлқоп» устаси топилмади, қўқонлик Дилдош Расулов эса бронза медали соҳиби бўлди. Шунингдек, ўқувчилик пайтидаёқ стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган Нилуфар Сотволдиева ҳам вилоят спорти фахри ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугун вилоятда «Умид ниҳоллари-2002» мусобақаларининг финал босқичини уюшқоқлик билан ўтказишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда яқинда умумхалқ ҳашари ўтказилиб, ундан тушган маблағ мусобақани ўтказишга сарфланадиган бўлди. Хусусан, нефтни қайта ишлаш корхонаси меҳнаткашлари шу куни ишлаб топилган 1 миллион 520 минг сўм, олис Сўх қишлоғилик маорифчилар 400 минг сўмлик маблағни мусобақа ташкилотчилари ҳисоб рақамига ўтказдилар. Шунингдек, ҳашар иштирокчилари беллашувлар ўтадиган спорт иншоотларини таъмирлашда ҳам фаол қатнашдилар.

Айни вақтда мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказиладиган марказий «Фарғона» ўйингоҳида таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Мамлакатимизнинг беш карра чемпиони «Нефтчи» футбол жамоасининг асосий ўйинлари ўтадиган ўйингоҳни 25 минг томошабин сиғадиган, дунё андозаларига тўла жавоб берадиган муҳташам иншоотга айлантириш мақсадида 2 миллиард сўм атрофида маблағ сарфланмоқда. Бундан ташқари, Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги «Истиқлол» теннис корти, «Дельфин» сузиш ҳамда Олимпия заҳиралари ва қатор мактаблардаги спорт заллари таъмирланмоқда. Яна бир гап; ташкилотчилар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрадиган 3 минг нафардан зиёд ёш спортчиларни кўнгилдагидек кутиб олиш, гўзал Фарғонанинг тарихий обидаларини зиёрат қилдириш, бўш вақтларини намунали ташкил этиш учун турли маданий-маиший тадбирлар режасини ҳам ишлаб чиқишган. Мақсад «Умид ниҳоллари» мусобақасини юқори савияда ўтказиш, иштирокчиларда янги-янги марраларни забт этиш иштиёқини янада кучайтириш ва бу мусобақалар уларда унутилмас хотира бўлиб қолишига эришиш.- Чунки келажакда мамлакатимиз шарафини юксакларга кўтарадиган ҳам айнан шу ёшлардир.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ.

Спорт хабарлари

СЕВАРА ШОҲСУПАДА

Андижон шаҳрида стол тенниси бўйича Р.Аванесов хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди. Мусобақада иштирок этган Муҳандислик педагогика институти талабаси, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Севара Қодирова ғолибликни қўлга киритди.

Олимпия тизимида ўтказилган беллашувларда тўртта гуруҳ пешқадамлари ярим финал баҳсларида куч синашдилар. Қизиғи шундаки, Севара ўз синглиси Саида билан юзма-юз келди. Финал баҳси эса чиндан ҳам энг маҳоратлилар учрашувига айланди. Севара фарғоналик жаҳон чемпиони Нилуфар Сотиболдиева билан баҳс олиб борди. Ғоят кескин ўтган баҳсда Севаранинг қўли баланд келди.

МУХЛИСЛАР МЕҲРИНИ ҚОЗОНИБ

Мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган 18 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасидаги мамлакат чемпионатида 24 нафар «ақл жанги» ихлосмандлари қатнашди. Ўзига хос ўйинлари билан мухлислар ва мутахассислар эътиборини қозонган наманганлик талаба йигит Баҳодир Холмирзаев 7,5 очко тўплаган ҳолда янгийўллик тенгдоши Д.Хуснидиновдан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

Шундай қилиб Баҳодир Холмирзаев ўз тенгдошлари ўртасида Эронда ўтказиладиган Осиё чемпионатида қатнашадиган бўлди.

ПЕШҚАДАМ АНИҚЛАНДИ

Наманган вилоят «Ватанпарвар» ташкилотининг Наврўз байрамига бағишланган анъанавий учинчи спартакиадаси иштирокчилари волейбол, милтиқдан отиш, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича беллашдилар.

Волейболчилар баҳсида косонсойликлар, милтиқдан отишда ва стол тенниси беллашувларида Наманган шаҳри вакиллари ғолиб бўлдилар. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири.

Ҳайрат

УМАР ХАЙЁМ ТАҚВИМИ

Маълумки, 21 мартда кун билан тун чегараси иккала қутбдан ўтади, яъни сайёрамизнинг ҳар иккала ярим шарида кун билан туннинг узунлиги бир-бирига тенг бўлади.

Наврўз ҳамиша баҳорги тенгкунликка тўғри келиши учун янги тақвим тузиш машҳур олим, мунажжим, улкан шоир Умар Хайём зиммасига тушган ва у бу ҳайрли ишга 1074 йилдан киришган.

Олим янги тақвим лойиҳасида жуда пухта ҳисоб-китоб олиб борди, кабиса йилларини Юлий Цезар тақвимидан бироз фарқ қиладиган тарзда ишлатишни таклиф этди.

Умар Хайём ишлаб чиққан тақвим бўйича 33 йилда 8 та кабиса йили келади. Бу тақвимдаги йил узунлиги 365 кун 5 соату 49 дақиқаю 5,5 сонияга тўғри келган. Ҳозирги йил ҳисоби эса 365 кун 5 соат 48 дақиқаю 46 сония эканлигини ҳисобга олсак, Умар Хайём тақвимидаги фарқ йилига фақат 19,5 сонияни ташкил этади, холос.

1079 йил 16 мартдан бошлаб Эронда қабул қилинган Умар Хайём тақвими тарихдаги жамики тақвимлар орасида энг аниғидир. Ҳозир Афғонистон ва Эронда амалда бўлган тақвим Умар Хайём тақвимига асосланган бўлиб, ҳар йили баҳорги тенгкунлик Наврўз байрами билан бошланади. Мазкур тақвим Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сумбула, Мезон, Акраб, Қавс, Жадди, Далв ва Ҳут ойларидан иборат.

Қуёшнинг Ҳутдан Ҳамалга ўтиши бизнинг йилномамизга биноан 21 март билан 21 апрел ўртасига тўғри келади. Бу даврда янги йил туғилади. Табиат амалга киради.

Умар Хайём 33 йил давомида тузган тақвим тизими бир неча аср ўтгандан сўнг итальян олими А.Лилио тузган ва 1582 йил 24 февралда қабул қилинган Григорий тақвимидан аниқлиги билан ажралиб қилади.

А.АЛИЕВ.

ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ...

Наҳкати наврўздин бўлди машоми жон латиф,
Кетти даврони малолу келди айёми шариф.
ҒАДОЙИЙ.

Қадри гулни булбулни шайдо билур ҳар навбаҳор,
На билур зоғу зағон гул бирла бўстон қадрини.
ХУВАЙДО.

Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.
Субҳидам тушуб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар.
ФУРҚАТ.

Келди ажойиб, чаройли баҳор,
Қанча гўзаллик десанг унда бор.
Ажабмас қари бундан яшарса,
Жаҳон ўзига топмиш ёш нигор.
РУДАКИЙ.

Гул ёғади юзларингдан субҳвор,
Гул ёғади хулқингдан, ҳам чун баҳор.
Лаҳза сайин рангга тўлиб бу олам,
Гул ёғади чеҳра очиб бу рўзғор.
Паҳлавон МАҲМУД.

ҚАДИМ НАВОЛАР

-Наврўзни куй-қўшиқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро Наврўз табиатни яшнатса, санъат дилларга ором бахш этади. Шу боис шодиёна кунлари энг гўзал қўшиқлар янграйди. Машшоқ ва ҳофизлар, хонанда-ю созандалар, бахшилар хониши байрамга ўзгача завқ бағишлайди. Сочларига толбаргак таққан дилраболар рақсидан кўз қувонади, дил яйрайди, — дейди Пешку туман маданият бўлимининг мудири Саодатхон Ибрагимова.

Тумандаги «Афшона», «Миришкор» фольклор этнографик ва «Наво» ашула ва рақс дасталарининг 150 нафардан ортиқ истеъдодли хонанда-ю созандалари Наврўз шодиёналарига алоҳида тараддуд кўрдилар. Махсус дастур асосида байрам концерти саҳналаштирилди. Бадиий жамоалар хўжаликлар, чорвачилик фермалари, ташкилот ва корхоналарда ўтказилаётган байрам тадбирларида иштирок этиб, ўз санъатлари билан элни хушнуд этмоқдалар. Айниқса, Фурқат Баҳромов раҳбарлик қилаётган ҳаваскорлик дастаси томонидан ижро этилган «Ўргилай», «Хўжа Пешкум», «Кампирнинг туши» сингари қадимий қўшиқлар томошабинларга завқ-шавқ бағишламоқда.

Н.УСМОНОВ.

Суратда: «Миришкор» фольклор этнографик халқ дастаси.

Чори ОЛИМОВ олган сурат.

Шифокор маслаҳати

СИЗГА ФАҚАТ КУЛГУ ЯРАШАДИ

Мустақиллик йилларида халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Негаки, мустақил Ватанимиз истиқболи шу заминда яшовчиларнинг ақлан ва жисмонан соғлом бўлишларини тақозо этади.

Соғлом тафаккурли, жисмонан бақувват авлодни вояга етказиш осон иш эмас. Бунинг учун аввало илдизлари чўнг бобоколонларимиз тафаккуридан баҳра олган мустаҳкам маънавий пойдевор зарур. Бу пойдевор оилада яратилади. Аввало ота-оналарнинг ўзлари юксак маънавиятли, шу билан бирга, мамлакатнинг буюк келажагини таъминлашга лаёқатли, билимли, жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялашдек маъсулиятли ишга тайёр бўлишлари, соғлом бола фақат соғлом ота-онадан дунёга келишини унутмасликлари керак. Зеро, мактаб ўқувчилари, ҳарбий хизматга чақириладиган йигитлар, ёш келин-куёвлар тиббий кўрикдан ўтказилганда турли хасталиклар аниқланмоқдаки, уларнинг аксарияти болаларда мактаб ёшида бошланган бўлиб, ота-оналарнинг эътиборсизлиги, вақтида шифокорларга мурожаат қилинмагани оқибатида сурункали тус олган, асоратлар қолдирган. Шунинг учун ҳам ёш ота-оналар фарзандларининг нафақат яхши овқатланиши, кийинишига эътибор беришлари, балки аввало уларнинг саломатлиги учун ҳам қайғуришлари зарур. Бинобарин, гўдак хасталанса ўтиб кетар, дея беҳафсалалик қилмасдан, тезда мутахассис шифокорларга мурожаат этиш лозим.

Шуни унутмаслик керакки, мактаб ёшидаги болаларда ўпка йўллари шамоллаши, ангина, муртак безларининг сурункали хасталиги (танзилит), қалқонсимон без фаолиятининг кучайиши (диффузтоксик бўқоқ), камқонлик (анемия), умуртқа поғонасининг нотўғри ривожланиши каби касалликлар кўп учрайди. Бундай хасталикларнинг ўз вақтида олди олинмаса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, ўпка йўлларининг тез-тез шамоллаб туриши сурункали бронхит, бронхиал астма ва бошқа жиддий сурункали ўпка касалликларига сабаб бўлади. Шунингдек, ангинани вақтида даволамаслик муртак безларининг сурункали шамоллаши ревматизм, у эса юрак касалликларини келтириб чиқаради.

Энди ушбу хасталикларнинг белгилари тўғрисида тўхталсак. Камқонликка учраган боланинг ранги синиқиб, тез-тез бўр, оҳак егиси келади, бош оғриғи, дармонсизлик, соч тўкилиши ҳолатлари кузатилади. Диффузтоксик бўқоқ билан касалланганларда эса юрак уриши тезлашади, оғриқ пайдо бўлади, ҳаво етишмаслиги, тез-тез нафас олиши натижасида кўзлар чақчайган ҳолатга келади, шунингдек, уйқу бузилиб, қўл бармоқлари титрайди. Бу касалликка чалинганлар вақт ўта бориб асабий, руҳий ҳаяжонга тез берилувчан бўлиб қоладилар.

Хуллас, ёш авлодда — келажагимиз вориси бўлган ўғил-қизларимизда учраб турадиган бу каби касалликларни даволашнинг ўз вақтида чоралари кўрилмаса, нохуш оқибатларга олиб келиши шубҳасиз. Айтганча, касалликни даволашдан кўра олдини олиш осон, дейдилар. Шунинг учун ҳам нафақат тиббиёт масканларида, балки оила, боғча, мактаб ҳамда ўрта ва олий ўқув юртларида ёшлар соғлиғига катта эътибор бериш керак. Ана шунда соғлом авлод орзусига шунчалар тез ва осон эришилади.

Саидумар ЖАЛИЛОВ, шифокор.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерация Кенгаши аъзоси **Абдуманнап АЛИМБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раёсати Марказий қўмита аъзоси **Абдуманнап АЛИМБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 232. 1 2 3 4 5 6